

Қашқадарё Вилояти

БИЛИМЛИ, ЖИСМОНАН ЧИНИҚҚАН ЁШЛАР БАРКАМОЛДИР

Бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий-демократик жамият барло этилаётган ҳозирги шароитда ёшларнинг бурчи ва ҳуқуқларини англашлари ҳар доимгидан-да муҳимроқдир. Бунга эришишда таълим-тарбия масканларидаги маънавий-маърифий тадбирларнинг таъсирчанлигини ошириш, таълим маскани ҳамда жамоат, нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг ҳамжиҳатлиқда фаолият олиб боришини таъминлаш, ёшлар муаммоларини биргаликда бартараф этиш ўта долзарб масаладир.

Коллежимизда кадрлар тайёрлаш Миллий дастуридан кўзланган мақсадни тўла рўйга чиқариш, ёшларни урф-одатларимизга зид бўлган барча унсурлардан холи этиш, миллий, маънавий ва маданий меросимизнинг муносиб давомчилари қилиб воёга етказиш, уларнинг жамият иқтисодий-иқтисодий ҳаётида муносиб иштирокини таъминлаш йўлида қатор ижобий ютуқлар қўлга киритилмоқда. Миллий дастурдан келиб чиққан ҳолда жамоамиз аъзолари ёшларни нафақат ўрта бўғиннинг малакали мутахассислари, балки эл-юрт, Ватанга содиқ авлод қилиб тарбиялашда ҳам жонқур-ярлик, фидойиликларини яққол намоён этишмоқда.

Ҳар бир мураббий ўз илмий-педагогик фаолиятини, кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талабларига мослаб доимо таҳлил этиб борапти. Улар шундан билан ривожланиб бораётган замон билан ҳамнафас бўлишга интилишмоқда. Устозларидан ўрнак олаётган ёшлар ҳам ҳаётларида рўй бераётган ўғаришларга бефарқ эмасликлари, аксинча, шу озод ва обод юрти-

мизда камол топаётганликларидан мамнун эканликларини, фахрлиликларини коллежда ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирларда, конференция, ватанпарварлик фестивалларида баралла айтмоқдалар. Улар ҳаётларида муҳим из қолдирадиган қанча олимпиадаси ва спорт мусобақаларида юқори кўрсаткичларини қўлга киритиб, фидойиликларини амалда исботламоқдалар. Нукус шаҳрида ўтказилган "Баркамол авлод" спорт мусобақаларида талабаларимиздан Дилором Кўйлиева 52 килограмм, Беҳруз Ширинов 55 килограмм вазнда вилоятимиз шаънини муносиб ҳимоя қилдилар. Уларнинг издошлари — Шоҳжаҳон Салимов, Шаҳриёр Хўжайров, Абдурасул Насриддиновлар ўз вазирларидан вилоят ва республика мусобақаларида фаол қатнашмоқдалар.

Фан олимпиадасининг вилоят босқичида эса ўқувчиларимиз Ойниса Суянова — физика, Саодат Хушвақтова — информатика, Фотима Норбўтаева — Давлат ҳуқуқи асослари фанларидан фахрли ўринларни эгаллашди.



Ёшларнинг маънавий етук, жисмонан бақувват бўлиб улғайишида маънавий-маърифий тадбирлар ва спорт мусобақаларининг ўрни беқийс. Коллежимиз педагогик жамоаси навоий-хонлик, бобурхонлик кечаларини ўтказиш баробарида Менделеев, Исаак Ньютон, Пифагор сингари дунё олимлари жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида маълумот берадиган тадбирларни ҳам ўтказмоқда.

Маънавий-маърифий тадбирларни, фан кечаларини ўтказишда мураббийлардан — Нурул Ғаниев, Орузкул Қудратов, Уктам Эргашев, Дилноза Равашова, Ғафур Раимов, Жамол Мўминовлар фаоллик кўрсатишмоқда. Коллежининг ёзги ва қишки ўйингоҳларида талабаларимиздан ташқари шу

ҳудуддаги маҳаллаларда истиқомат қилаётган 500 нафар ёшлар спорт машғулотлари билан шуғулланмоқда.

Коллежимизда 60 нафар муҳандис-педагог 10 йўналиш бўйича 910 нафар ўқувчига таълим-тарбия беради. Кейинги қисқа пайтда 60 та маъруза матни ва электрон дарслик, 13 та услубий қўлланма яратилди. 2010 йилнинг дастлабки чорағида физика, химия, биология ойларида ўтказишга ҳозирлик қилинмоқда. Кимё, физика, биология лабораториялари замон талабига мос равишда жиҳозланганлиги дарсларини ноъанавий тарзда ўтказиш имконини бермоқда.

Ғолиб САҒАРОВ,
Косон ахборот-технология касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси.



СПОРТ

ТЕМУР ИБРАГИМОВ РИНГА ЧИҚАДИ

БОКС

6 февраль кунини Крокус Ситида жойлашган Аквариум аренада профессионал бокс кечаси ташкил қилинади.

Кечанин асосий жанги ўзбекистонлик боксчи Темур Ибрагимов ва танзаниялик Авад Тамим ўртасида бўлиб ўтади. Боксчилар суперроғир вазн тоифасида WBA ва IBA International чемпионлик камарлари учун 12 раунд-

дан иборат жанг олиб борадилар. Аслида мазкур жанг ўтган йил 19 декабрь кунини ўтказиши лозим эди. Аммо Темур Ибрагимов машғулот вақтида олган энгил жароҳати туфайли жанг қолдирилган эди.



АФРИКА МИЛЛАТЛАР КУБОГИ НАТИЖАЛАРИ

10 январь кунини Анголада старт олган Африка миллатлар кубоғи голларга бой қизқарли учрашувлар, қутлимаган натижалар билан футбол ихлосмандлари ва мутахассисларда катта қизқишг уйғотмоқда.

Хусусан, маълумотларга кўра, ушбу турнирни бевосита кузатиш учун Европа футбол жамоаларининг ўзидан олтидан ортиқ скаутлар ташриф буюрган.

Турнирнинг дастлабки учрашувида мезбонлар жамоаси — Ангола ҳамда Мали терма жамоалари муҳлисларга голлар шоусини намойиш қилишди. Учрашунинг 74-дақиқасига келиб 4:0 ҳисобида олдинга чиқиб олган Ангола терма жамоасига етиб олиш учун Мали футболчиларига атиги 15 дақиқа кифоя қилди. 79-дақиқада Кейта, 88-дақиқада эса Кануте орадаги фарқни иккитага қисқартирган бўлса, ҳакам томонидан қўшиб берилган 5 дақиқа ичида малиликлар яна икки марта зафар қучишди. Кейта учрашуда дубль қайд этган бўлса, Яттабаре ўз ҳисобига битта гол эзиб қўйди, Ангола-Мали 4:4. Камерун ва Габон терма жамоалари ўртасида бўлиб ўтган учрашуда эса камерунликлар ўз таркибиди Самуэль Это'О ("Интер", Италия), Сонг ("Арсенал", Англия) каби юлдуз футболчиларга эга бўлишлари-

га қарамай ўйинни 0:1 ҳисобида бой бердилар.

Қолган учрашуларда қуйидаги натижалар қайд этилди:
Малави-Жазоир 3:0
Кот д'Ивуар-Буркина Фасо 0:0
Миср-Нигерия 3:1
Мозамбик-Бенин 2:2
Замбия-Тунис 1:1.



қарамай ўйинни 0:1 ҳисобида бой бердилар.

Қолган учрашуларда қуйидаги натижалар қайд этилди:
Малави-Жазоир 3:0
Кот д'Ивуар-Буркина Фасо 0:0
Миср-Нигерия 3:1
Мозамбик-Бенин 2:2
Замбия-Тунис 1:1.

ХАЙРИЯ УЧРАШУВИГА ҲОЗИРЛИК



Шу йилнинг 25 январь кунини Зидан ва Роналдо дўстлари ижросида хайрия учрашуви бўлиб ўтади.

Мазкур хайрия учрашуви қашшоқликка қарши кураш дастури доирасида ўтказилади. Уйинда Зидан жамоасига Тошкентнинг "Бунёдкор" клуби бош мураббийи Луиз Фелипе Сколари мураббийлик қилади. Испания терма жамоаси бош мураббийи Висенте дель Боске эса Роналдо дўстлари устозлик қилади. Уйин

Португалиянинг "Луж" стадионида бўлиб ўтади.

Уйинда Руи Кошта, Валдо Нене, Стефан Шварц каби футболчилар иштирок этиши қутлиммоқда. Уйиндан тушган маблағ аҳолининг қашшоқ қатламни қўллаб-қувватлаш фондларига ўтказиб берилади.

Азиз НУРУЛЛАЕВ

Доривор тизимгул

Тизимгул (тизмагул, русча — вербена лекарственная) юртимизнинг тоғ ва тоғ этакларида кенг тарқалган, кўп йиллик ўтсимон наботот намунаси. Бўйи 30-100 см.гача борадиган, гули майда, қўқимтир-бинафша ранг бўлиб, узун, ингичка бошқисмон тўпгул ҳосил қилади.

Уни гоҳо бегона гиёҳ сифатида бог, поллиз ва бошқа ўсимликлар орасида ҳам учратиш мумкин. Одатда, тизимгул апрель-сентябрда гуллайди, май-октябрда мева тугади.

Халқ табибатида тизимгулнинг ер устки қисми ишлатилади. Ўсимлик айни гуллаган вақтида ўриб олинди ва соя, қуёш нуридан ҳимояланган жойларда қуртилди.

Табибатда тизимгул дамлама кўринишида одам озиб кетганида, ўта толиққанда, камқонликда, ҳайз мароми бузилгани-

Шифобахш гиёҳлар

да, жигар шомоллаганида тавсия этилади. Шунингдек, ўсимликнинг ер устки қисми қайнатмаси бош ва қорин оғриғи, ҳарорат кўтарилганида, талоқ шиши, кўтир, лат еган, қўқарган жойларни даволашда ҳамда пешоб ҳайдовчи восита сифатида ишлатилади.

Тизимгул ўсимлигининг таркибиди вербенилин ва вербенин гликозидлари, алкалоид, танинлар, эфир мойи, сапонин, аччиқ моддалар, дармондорилар жо бўлган.

Ўсимлик илдиридан сабзавотларни, бодиринги намакларда фойдаланиладиган бўлса, махсулотлар татимли, хушбўй бўлиб, саклиши жараёни хийла ортади.

Маннон НАБИЕВ

Утераний земельный кадастр с кадастровым № 1646268100 на здание, принадлежущее ООО "VAZTRANS AVTO", расположенное по адресу: г.Ташкент Чиланзарский р-н ул.Гахар д.75, считать недействительным.

Утераний эскиз круглой печати частного предпринимателя Юридическая Сабуровича, выданный разрешительным отделом Чиланзарского РОВД и Чиланзарского хокимията г.Ташкента, считать недействительным.

Янги рисола

Яйловлар чорвачиликнинг ривож учун муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда эса яйловларнинг асосий қисми чўл ҳудудларига тўри келади. Мана шундай яйловларимиздан бири бобон Қизилқумдир. Бу ерда эса юртимиз чорвачиликнинг муҳим соҳаси қоракўлчилик ривожланган. Ўзбекистон қоракўлчилик яйловларининг умумий майдони 17,5 миллион гектарни ташкил этади. Унинг 11 миллион гектари эса Қизилқумдир.

ҚИЗИЛҚУМ ЯЙЛОВЛАРИ ВА ҚОРАКЎЛЧИЛИК ИСТИҚБОЛИ

Миллий ифтихорларимиздан бири бўлган ва жаҳонга тенгсиз қоракўл кўй зотларининг келиб чиқиши, ривож кўп жиҳатдан Қизилқум чўли билан боғлиқ. Мамлакатимиздаги мавжуд қоракўл кўйларининг асосий қисми шу регионда боқилади. Шунингдек, республикамиздаги мавжуд туяларнинг деярли барчаси, кўплаб йилқилар ва эчкилар учун бу яйлов "очил дастурхон" вазифасини ўтаб келмоқда. Мамлакатимиз чўл чорвачилигининг асоси ва раънақи Қизилқум яйловлари билан ҳамбарчас боғлиқ.


нашриёти томонидан чоп этилган, Ф.Аҳмедов, С.Юсупов, А.Раббимовларнинг "Қизилқум яйловларидан оқилона фойдаланиш" монографияси мана шу саволларга жавоб излайди.

Монографияда Қизилқум чўли яйловларининг ўсимлик қоплами хусусиятлари, улардан оқилона фойдаланиш, яйлов ҳўжалигини бошқариш муаммолари, асосий озукдабоп ўсимлик турлари, уларнинг озуквий хусусиятлари, озук етиштириши кўпайтириш каби му-

аммолар хусусида сўз боради. Китоб муаллифларидан бири, қишлоқ ҳўжалик фанлари номзоди Фазлиддин Аҳмедов қоракўлчиликнинг сир-асрорларини яхши билладиган амалиётчи мутахассис ва олим. Унинг айни қоракўлчилик соҳасида кўплаб хориж давлатлари тажрибасини ўрганганлиги китобда янги ҳулосаларни баён этиш, уни амалиётга татбиқ этиш имконини берди.

Юрт раънақи, аҳоли фаровонлигига хизмат қилладиган яйловларимиз тадқиқига бағишланган ушбу асар ўқувчиларни бефарқ қолдирмаслигини аниқ.

Суондик МУСТАҒОЕВ,
журналист.



"ВОЛГА" АВТОМОБИЛЛАРИГА МАКСИМАЛ ЧЕГИРМА



Шунингдек, сотувда "ВАХТАВЫЙ" автомобиллари ҳам мавжуд.

AVTODOM PLUS
"VAZ" РУСТИМНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ
WWW.AUTO.UZ

Автосалон:
Тошкент ш., Бунёдкор кўч. 118.
Тел.: (99871) 140-41-21, 140-41-22.
Офис:
Тошкент ш., 100015, Шахрисабз кўч. 16 "а"/
Тел./факс: (99871) 256-03-62, 256-13-01.

ТАШКИЛОТ СОТАДИ Volkswagen PASSAT

2009 йил ишлаб чиқарилган
Лизингга сотиб олиш мумкин



Тўлов шакли - пул ўтказиш йўли билан
Тел.: (+99871) 140-00-62,
(+99890) 317-67-97

Республика Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё маркази жамоаси Сирдарё вилояти Ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази директори Раимқул Анорбоевга волидаи муҳтарамаси
КўСИНОЙ АЯНИНГ
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Бош муҳаррир
Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР КЕНГАШИ
Зафар РЎЗИЕВ, Фарход ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Раҳимберди БЎРИЕВ, Фуломжон ИБРАГИМОВ, Саид АРАБОВ, Саидамин САИДЖАЛОЛОВ, Баҳодир АБДУҚОДИРОВ, Илком ХАЙДАРОВ, Наримон УМАРОВ, Абдурахман БОЙМУРОДОВ, Муҳаммад ЖУМАГАЛДИЕВ, Садриддин РАСУЛОВ, Виктор ЧУБ, Шухрат ТОШМУРОДОВ, Шухрат НУРМАТОВ, Адилбек АХМЕТОВ, Шамсиддин ЭСОНБЕКОВ, Зиёвуддин ОБИДОВ, Ҳакимжон УМАРҲЎЖАЕВ.

ТАХРИР ХАЙАТИ:
Алитай АДИЛОВ, Гоғир АЛИЕВ, Тўлқон ҚАРИМОВ, Шухрат ҒАНИЕВ, Уктам БАРНОЕВ, Уткир РАҲМАТ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Жуманиё ЖАББОРОВ, Халиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам КОСИМОВ, Омонулла ЮНУСОВ, Шеразод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 236-54-44, 233-28-04, Копийа — 233-95-17, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.
ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси — 585-16-12; Андижон — 224-99-13; Бухоро — 542-05-18; Жиззах — 366-61-16; Навоий — 224-69-08; Наманган — 224-81-63; Фарғона — 223-35-96; Самарқанд — 222-25-97; Сирдарё — 588-06-89; Тошкент — 100-29-61; Хоразм — 750-82-39; Қашқадарё — 221-59-40; Сурхондарё — 392-50-42.

Реклама ва эълонлар —
236-58-83, 233-28-04.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
E-mail: info@qishloqhoyoti.uz

Навбатчи:
Р.СУЯРОВ
Мусаҳҳиб:
С.ҚОДИРОВ
Дизайнер:
М.ШУКУРОВ